

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат юридик университети
ректори



 Р.Хакимов

2020 йил “25” август

Тошкент давлат юридик университети
5240100–Юриспруденция (фаолият турлари бўйича)
бакалавриат таълим йўналишининг
малака талаблари

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. 5240100 – *Юриспруденция*: (*фаолият турлари бўйича*) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари (кейинги ўринларда малака талаблари деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 авгуstdаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон ва 2013 йил 23 декабрдаги “Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент давлат юридик университетларида ўқув юкламасининг ҳажмларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 337-сон қарорларига асосан Тошкент давлат юридик университети томонидан ишлаб чиқилган.

2. Мазкур малака талаблари Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2020 йил “25” август даги 1-сон қарори билан тасдиқланган ва жорий этилган.

Мазкур малака талаблари 240 000 – Хукуқ таълим соҳасининг давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу малака талабларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хукуки Тошкент давлат юридик университетига тегишилидир.

МУНДАРИЖА

Т/п		Бет
1.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши малака талабларининг кўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....</i>	5
1.2.2.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари.....</i>	5
1.2.3.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
3.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	7
3.1.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	7
3.2.	<i>5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишининг ўқув режасидаги юклама ҳажми.....</i>	8
	Библиографик маълумотлар.....	9

1. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш Тошкент давлат юридик университетининг (кейинги ўринларда университет деб аталади) ўқув режаси ва ўқув дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Назарий ва амалий таълимни тўлиқ ўзлаштирган, етарли даражадаги кредитларни тўплаган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган, ўқув режаси талабларини бажарган шахсга “бакалавр” даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат берилади.

Бакалавриатда ўқишининг меъёрий муддати 4 йилни ташкил этади. Бунда ушбу йиллар ичida “бакалавр” даражаси тўғрисидаги дипломни қўлга киритиш учун етарли даражада кредитлар йигилмаса, мазкур кредитларни йиғиш бўйича 3 йил қўшимча муддат тақдим этилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси:

1.1.1. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши малака талабларининг қўлланилиши

Мазкур малака талаблари Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ҳамда ўқув режаси ва ўқув дастурлари ўзлаштирилишини таъминлашда университет учун талаблар мажмуини белгилайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари

Куйидагилар малака талабларининг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади:

- мазкур таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талабалари, ўқув режа ва фанлар дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, (ўқув-услубий бошқарма бошлиғи), деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларнинг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасаси талабалари;

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар бюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасасига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналар ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

1.2.1. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари

Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши давлат ва хўжалик бошқаруви, суд, прокуратура ва хукуқни муҳофаза қилувчи органларда, адвокатлик тузилмаларида, шунингдек бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотларда юридик фаолиятни амалга оширишни қамраб олади.

1.2.2. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг хукукий асосларини мукаммал эгаллаш, норма ижодкорлиги фаолияти, хукуқни қўллаш амалиёти, норматив-хукукий ҳужжатлар лойиҳаларининг хукукий экспертизаси, миллий ва халқаро судлар процесси, ижро иши юритиш жараёни, юридик хизмат кўрсатиш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, халқаро ташкилотлар ва бошқа ташкилотларда юридик фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади.

1.2.3. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларининг турлари

- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти

1.2.4. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

ташкилий-бошқарув ҳамда ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- давлат ва хўжалик бошқаруви, суд, прокуратура ва хукуқни муҳофаза қилувчи органларда, адвокатлик тузилмаларида, шунингдек бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотлар ҳамда халқаро ташкилотларда зиммасига юкланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида ишларни самарали ташкил этиш;

- хукукий билим ва кўнгилмалари ҳамда меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш ва тўғри йўлга қўйиш;

- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш, хукуқ ижодкорлиги ва хукуқни қўллаш соҳасида сифатни бошқариш;

- касбий фаолиятини амалга ошириш жараёнида қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг муқобилларини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- замонавий ахборот технологияларидан бошқарув, хукуқ ижодкорлиги ва хукуқни қўллаш соҳаларида фойдалана олиш.

илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот муассасасалари ва марказларда хукуқ соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- хукуқ соҳасидаги миллий ва хорижий фан-техника ютуқлари, маҳсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётларини экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

2. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар

Бакалаврларнинг касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар талаблар қўйилади:

дунёқараш ва таҳлилий фикрлаш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;

давлат ва жамият ҳаётининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

сиёсий жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, давлат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда, ҳаётда ва ўз касбий фаолиятида фойдалана олиши ҳамда ҳуқуқ нормаларини шарҳлашни билиши;

ахборот йиғиш, саклаш, қайта ишлаш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

ўз устида тизимли ишлаш ва ўқиб-ўрганиш натижалари асосида *Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

чет тилини В2 ва ундан юқори даражада тинглаб тушуниши (Listening), ўқиши (Reading), ёзиши (Writing), гапириши (Speaking);

норматив-хуқуқий хужжатларни излаб топиши, хуқуқий ахборот қидирув тизимлари билан ишлай олиши;

норматив-хуқуқий хужжатлар мазмунини тушуниши, уларни шарҳлаши ва қўллай олиши;

норматив-хуқуқий хужжатлар, шартномалар, битимлар ва процессуал ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаши ва уларни хуқуқий экспертизадан ўтказиши;

хуқуқ принципларини амалий ҳаётда тўғри қўллай олиши;

муаммоли вазиятларда хуқуқий ечимлар таклиф қилиши, жисмоний ва юридик шахсларга хуқуқий маслаҳатлар бериши;

хуқуқ соҳаси билан боғлиқ муаммо ва кейсларни аниқ ва деталли ечиши, бизнес фаолиятини хуқуқий таъминлаш билан боғлиқ ишларни самарали ташкил қила олиши;

хуқуқий муаммоли вазиятларни ҳал этиш жараённада соҳавий хуқуқий асосларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши;

хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятга эга бўлиши, янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини самарали ташкил қила олиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар

- хуқуқ соҳасида назарий билимлар ва амалий қўнималарни шакллантириш;

- миллий ва халқаро хуқуқ нормаларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд, прокуратура ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотларнинг юридик хизматида қўллаш;

- судгача талабнома-даъво ишларини юритиши ва шартномавий муносабатларда вакиллик қилиши;

- суд процессида қатнашиш, музокаралар олиб боришин ташкил этиш, мижозлар билан сұхбатлашиш, юридик холосалар бериш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, миллий қонунчиликни хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда қонунчиликка таклифлар тайёрлаш, юридик аудит ўтказиш (due diligence);
- процессуал ва бошқа хужжатларни тузиш;
- норма ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, қонун лойихалари, қонуности норматив-хуқуқий хужжатлар ва бошқа хужжатларни тайёрлаш ҳамда уларнинг халқаро хуқук нормалари билан ўзаро алоқасини таҳлили қила олиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш;
- қонунийлик ва хуқук-тартиботни таъминлаш ва низоли масалаларга қонун нормаларини тўғри қўллаш;
- низоларга нисбатан миллий ва хорижий норматив-хуқуқий хужжатларни тўғри қўллаш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тегишли лавозимларда хизмат кўрсатиши,
- суд, прокуратура ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият юритиш;
- адвокатлик тузилмаларида жисмоний ва юридик шахсларга хуқуқий ёрдам бериш;
- ташкилотларда юридик хизматни таъминлаш **қобилиятига эга бўлиши керак.**

3. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Университет ўқув режаси ва ўқув дастурларини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

Университетнинг бакалавриат ўқув режалари қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- асосий фанлар;
- танлов фанлар;
- рағбатлантириладиган қўшимча фаолият турлари.

Ўқув режасининг таркибий қисмлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:

Асосий фанлар:

Таълим йўналиши бўйича умумий фундаментал ва умумкасбий билимларни берувчи хуқуқий фанларни, жумладан энг зарур бўлган моддий ва процессуал хуқуқий фанларни тўлиқ ҳамда чет тили, иқтисодий фанлар ва бошқа номутахассислик фанларни хуқук соҳасига боғлаб ўргатилиши лозим.

Танлов фанлар:

Таълим йўналиши бўйича маҳсус ва тор соҳа бўйича чукурлаштирилган, касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги билимларни берувчи ҳамда хуқуқий фанлар, хуқуқий муаммони аниқлаш, маълумотлар тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва холоса чиқаришга хизмат қилувчи хуқуқий фанлар, шунингдек касбга йўналтирилган чет тили, хуқуқий технологиялар (ахборот технологиялари), гуматинар фанлар ва бошқа фанлар ўргатилиши керак.

Рағбатлантириладиган қўшимча фаолият турлари:

Талабанинг жамоатчилик ишларида фаол иштироқи, университетга ташриф буюрган халқаро мутахассисларнинг маҳорат дарсларида иштироқи, касбий кўнилмаларни ривожлантирадиган клиник таълим ва амалиётга бориши, хорижий хукуқ марказлари, халқаро олимпиада ва танловларда иштироқи, амалиёт клублари ва соҳага йўналтирилган тўгараклардаги фаоллиги ҳамда бошқалар рағбатлантирилади.

Ўқув дастурларини ишлаб чиқишида қуйидаги талаблар назарда тутилиши мумкин:

- модуль тавсифи;
- модуль асосий талаблари;
- аннотация;
- модулдан кўзланган мақсадлар;
- модулдан кутилган натижалар;
- модуль режаси;
- ўқиш учун адабиётлар;
- баҳолаш тизими;
- имтиҳон тури;
- йўриқнома.

3.2. 5240100 – Юриспруденция: (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишининг ўқув режасидаги юклама ҳажми

Кундузги таълим бўйича аудитория машғулотларининг максимал ҳажми ҳафтасига 30 соат ҳажмда белгиланиши керак.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этади.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагicha тақсимланади:

- назарий таълим – 40-55%;
- аттестация – 10-20 %;
- таътиллар – 12-25 %;
- мустақил таълим – 6-14%
- малака амалиёти – 4-12 %;
- битирув малакавий иши – 2-4%.

Назарий таълимнинг вақт ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагicha тақсимланади:

- асосий фанлар – 60-90%;
- танлов фанлар – 10-40%.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 5 – 14 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият таснифи, касбий фаолият соҳалари, модул, муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), клиник таълим, кредит, юриспруденция таълим йўналиши, ахборот-коммуникация технологиялари, касбий фаолият объекти, ўқув дастури, соҳа мутахассислиги, ўқиб-ўрганиш натижалари, ҳуқуқий тизим, суд процесси, музокаралар, юридик хулосалар, таҳлилий маълумотлар, юридик аудит (due diligence), ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш, юридик амалиёт, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ шакллари, ҳуқуқ ижодкорлиги.

Ўқув ишлари бўйича проректор



И.Рустамбеков

Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи



А.Тошибулатов